



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 18 (13.081)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



ЕНГИЛ САНОАТ: ЯКУНЛАР ВА ИСТИҚБОЛДАГИ ВАЗИФАЛАР

Бугун мамлакатимизда тўқимачилик ва тикувчилик-трикотаж саноати корхоналарининг аксарияти "Ўзбекенгилсаноат" акциядорлик жамияти таркибига киради. Соҳада фаолият кўрсатаётган 312 саноат корхонасининг 225 таси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларидир.

2015 йил якунларига кўра, ушбу корхоналар қиймати 3 триллион сўмдан ортиқ саноат маҳсулотлари, 1 триллион сўмлик халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарди. Калава ва газлама, трикотаж полотно ва буюмлар, нотўқима материаллар, шойи ва бошқа асосий турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми кўпайди. Умуман, ўтган йили соҳа корхоналари 188 турдаги енгил саноат товарлари ишлаб чиқариб, 75 турдаги янги маҳсулотлар тайёрлашни ўзлаштирди.

Соҳада спорт маҳсулотлари ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилаётган. Бугун 85 корхона спорт буюмлари, жумладан, болалар спорт кийимлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. Миллий либослар яратиш ва ишлаб

чиқариш ҳам муҳим йўналишга айланган. Мамлакатимиз ҳудудлари ва пойтахтимизда "Ўзбекенгилсаноат" корхоналарига қарашли дўконларда кундалик кийимлар, спорт формаси, рўзгорга керакли тўқимачилик буюмлари, пайпоқ ва бошқа турли маҳсулотларни арзон нарҳларда харид қилиш мумкин.

Замонавий либослар яратиш учун хорижий дизайнерларни жалб қилиш ва кейинчалик уларни мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш борасида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Шу мақсадда "Ўзбекенгилсаноат" акциядорлик жамиятида Ўзбекистон дизайнерлари ва хорижий давлатлардаги етакчи мода ҳамда дизайн мактаблари вакилла-

ри иштирокида "Мода ва дизайн - 2015" халқаро фестивали ташкил этилди. Унда Италия, Франция, Япония, Жанубий Корея ва бошқа мамлакатлардан жон модо саноати вакиллари қатнашди. Фестиваль доирасида "Ўзбекенгилсаноат" корхоналарининг 160 дан ортиқ дизайнерлари ва мамлакатимизнинг таникли дизайнерлик гуруҳлари томонидан яратилган либослар намойиш этилди.

Чет эл инвестицияларини жалб қилиш, янги замонавий корхоналар ташкил этиш ва фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш мамлакатимизда енгил саноат соҳасини янада ривожлантириш имконини бермоқда. Ўтган йил якунлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилга мўлжалланган Инвестиция дастури доирасида соҳага 187,3 миллион доллар жалб этилди ва бу 2014 йилга нисбатан 2,7 фоизга кўпдир. 2015 йилда 33 янги корхона ишга туширилиб, 12 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди.

(Давоми 2-бетда)

GERMANYALIK IШБИЛАРМОНЛАР: "ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШДАН МАНФААТДОРМИЗ"

"Яшил ҳафта - 2016" - озиқ-овқат саноати, боғдорчилик, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги халқаро кўргазмасидаги Ўзбекистон Республикаси делегациясининг иштироки доирасида Берлин шаҳрида Ўзбекистоннинг иқтисодий ҳамда агросаноат салоҳиятига бағишланган тақдирот маросими бўлиб ўтди. У мамлакатимизнинг Германия Федератив Республикасидаги элчихонаси ва Немис иқтисодиёти Шарқий Европа бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тадбир чоғида унинг иштирокчилари Ўзбекистоннинг замонавий иқтисодий ҳолати, саноат корхоналарини модернизациялаш ва технологик қайта жиҳозлаш юзасидан қўрилаётган чора-тадбирлар, республикада, шу жумладан, аграр жабҳада рўй бераётган ўзгаришлар, сармоявий муҳитни янада такомиллаштириш, мамлакатда инфратузилмаларни ривожлантиришга қаратилган давлат дастурлари бўйича маълумотлар билан яқиндан танишдилар. Озиқ-овқат саноати корхоналари ассоциацияси, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортерини қўллаб-қувватлаш жамғармаси, "Ўздонмаҳсулот" ва "Ўзвиносаноат-холдинг" компаниялари томонидан ишлаб чиқилган аниқ сармоявий лойиҳалар ҳам уларнинг эътиборига ҳавола қилинди.

Тақдиротда сўзга чиққан Немис иқтисодиёти Шарқий Европа бирлашмаси бошқаруви раиси Маркус Фельснер Ўзбекистон иқтисодиёти изчил ўсиб бораётганига юқори баҳо берар экан, республикада яратилган қўлай сармоявий муҳитга алоҳида эътибор қаратди. У Германияда юртизмиз билан шериклик алоқаларини кенгайтириш юзасидан қизиқиш ўсиб бораётганини таъкидлади. "Хусусан, кичик ва ўрта бизнес вакилларимиз орасида ҳам", деди у.

М. Фельснер қўшма сармоявий лойиҳаларни, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун ўзбек шериклар билан узоқ муддатли алоқаларни ўрнатилган юзасидан ГФР компанияларини қўллаб-қувватлаш Немис иқтисодиёти Шарқий Европа бирлашмасининг устувор вазифаларидан бири ҳисобланганини айтди. У алоҳида қайд этганидек, бугунги кунда немис бизнес тизимлари олдида Ўзбекистондаги истиқболли ва изчил ўсиб бораётган бозорнинг эшикларини очилмоқдаки, мамлакат юқори сифатли озиқ-овқат ҳамда мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича етакчилардан бири бўлиши мумкин.

Ўзбекистонда муваффақиятли фаолият олиб бораётган "Lemken", "Claas", "Berliner Sparkasse" каби немис компаниялари вакиллари ва бошқалар тақдирот катнашчиларини истиқболли ўзбек бозорига чиқиш имкониятларидан фойдаланишга, республика ҳудудидаги сармоявий лойиҳаларда фаол иштирок этишга чақирди.

Тадбир якунида "Жаҳон" ахборот агентлиги муҳбири тадбирнинг айрим иштирокчилари билан суҳбатлашди.

Германиянинг MARWIKO AG консорциуми вакили Андреас Йопт ҳам юртизмизнинг иқтисодий ривожланиш йўлидаги қадамларини ижобий баҳолади.

— Бугунги тақдирот менда катта таассурот қолдирди, — деди у. — Ўзбекистон ҳамда унинг замонавий тараққиёти ва мамлакатининг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги салоҳияти ҳақидаги билимларим янада ошди.

Консорциумимиз қишлоқ хўжалигидаги истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш билан шуғулланганидан қарийб 800 та немис, шунингдек, Европа компанияларини ўз атрофида бирлаштиргани.

Ўзбекистон Берлиндаги "Яшил ҳафта" қишлоқ хўжалиги халқаро кўргазмаси ишида мунтазам ва фаол қатнашаётгани бизни қувонтиради. Унинг бўлмаси билан танишар эканман, республика агросаноат мажмуидаги дунё миқёсида хариддоригар барча маҳсулотлар кўргазма пештахталаридан жой олганига гувоҳ бўдим.

Тақдирот маросими Ўзбекистон бозорида ишлаётган машҳур немис компанияларининг тажрибаси билан танишиш учун ҳам яхши имкониятни яратди. Шу боис бизда манфаатдор ўзбек компаниялари билан шерикликни йўлга қўйиш истаги туғилди.

"СЗ Consult" компанияси менежери Роланд Циммерман республикамиз молия-банк соҳасида қўлга киритган муваффақиятларни юқори баҳолади. Жаҳон банкининг маърузасида Ўзбекистон ҳозирги пайтда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш борасида юқори натижаларга эришган мамлакатларнинг биринчи ўнлигидан жой олган. Бу далил, шубҳасиз, ГФР бизнес тизимлари вакиллари ўзига жалб этади. Биз Ўзбекистон билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳамда ривожлантиришдан манфаатдор бўлдир. Ушбу тадбир Ўзбекистон — Германия ўртасида иқтисодий соҳасидаги ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтиришга хизмат қилади.

"Жаҳон" АА. Берлин



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Андижонда вилоят давлат солиқ бошқармаси мутахассислари, корхона, ташкилот, муассасалар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида Президентимизнинг 2015 йил 22 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги асосий макроеқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги Қарорининг мазмун-моҳиятига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

• Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Самарқанд вилояти ҳудудий бўлимида халқ депутатлари вилоят Кенгаши ҳузуридаги ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссиясининг ижтимоий шерикликни кучайтиришдаги ролини оширишга бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

• Нукусда 2015 йил якунлари ва 2016 йилда Қорақалпоғистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришининг асосий йўналишларига бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди.

• Бухоро вилояти болалар кўп тармокли тиббиёт марказининг 100 ўринли даволаш мажмуаси янги бинода фаолият бошлади. Инвестиция дастури доирасида умумий қиймати 3 миллиард 612 миллион сўмлик бўлган мазкур объект "20-трест" масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан бунёд этилди.

• Наманганда "Кўли гулдир ўзбек аёли" деб номланган фестивал бўлиб ўтди. Фестивалда талабалар, маҳаллалар қошидаги ўқув марказлари дизайнер, модельер ва тикувчилари, яқка тартибда фаолият кўрсатаётган чеварларнинг либослари кўргазмаси намойиш этилди. Атлас, адрас, банорас, беқасам ва шойи каби миллий матолардан тикилган замонавий либослар, турли ёшдагилар учун мўлжалланган мавсумбоп либослар, спорт кийимлари барчаннинг эътиборини тортди.

ЖАҲОНДА

• "Жонас" қор бўрони хуружидан сўнг Вашингтон аэропорти ўз фаолиятини тикламоқда. Шуни таъкидлаш жоизки, АҚШ пойтахти аэропортига 70 сантиметрдан ортиқ қор ёғди ва бундай ҳолат аввал ҳеч қачон кузатилмаган. Ҳозирда аэропортга жамоат транспорти қатнамапти, у ерга фақат такси ёки шахсий автомобилда бориш мумкин.

• Япониянинг асосий ороли ҳисобланмиш Хонсюнинг гарбий қисмида ҳамда Кюсю ва Сикоку оролларидаги уй-жой коммунал хўжалиги объектларида юзага келган носозликлар туфайли Қунчикар мамлакатда 200 мингга яқин оила сувсиз қолди. Ҳозирда аҳолига керакли ёрдам кўрсатилмоқда.

• Американик нейробиологлар гиппокамп нейронлари қандай ишлаши масаласининг ечимини топишди. Уларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, инсон мияси ўз ичига бутун интернетни сиғдира олиши мумкин. Натижаларга кўра, инсон хотираси ҳажми илгари мўлжалланганидан ўн баробар каттароқдир, яъни унинг ҳажми тахминан петабайт бўлиб, бу глобал тармоққа тенгдир.

Тошкент шаҳар Кенгашида

ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Кунин кеча халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдаги ўзинчи сессияси бўлиб ўтди. Унда "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижроси юзасидан шаҳарнинг 2015 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига эътибор қаратилди. Сессияда таҳлилий-танқидий руҳда апрофича қўриб чиқилган долзарб масалалар юзасидан Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмоновнинг ҳисоботи тинланди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган кенгайтирилган мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан белгилаб берилган асосий йўналишлардан келиб чиққан ҳолда 2016 йил учун иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор чўқур таркибий ўзгаришларини давом эттириш, хусусий мулкчилик, тадбиркорлик ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ва макроеқтисодий мувозанатни таъминлаш устувор вазифалардан бири эканлиги эътироф этилди.

Сессияда 2015-2019 йилларда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилма-

сини ривожлантириш дастурининг асосий тадбирларини амалга ошириш бўйича бошланган ишларни давом эттириш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини янада ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Шу билан бир қаторда иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини тубдан ошириш, экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлашни кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама рағбатлантириш, иқтисодиёт тармоқларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, "Электрон ҳукумат" тизими яратилишини тезлаштириш лозимлиги таъкидланди.

(Давоми 2-бетда)

ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Тошкент шаҳрининг 2016 йилги иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор вазифалари ижросини тўлиқ таъминлаш, таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, етакчи тармоқларда иқтисодийнинг самарали ривожланишига замин бўлувчи ўсиш суръатларини таъминлаш масаласини доимий назоратга олиш юкланди.

Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида илгари сурилган вазифаларни 2016 йилда оғишмай ва самарали тарзда бажарилишини таъминлаш, 2016 йил — “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастурининг устувор вазифалари ҳамда 2016 йилнинг 1-ярим йиллигида белгиланган чора-тадбирларни тўлақонли амалга ошириш ва бу борада бажарилган ишларнинг ҳалқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сессияси томонидан кўриб борилиши белгиланди.

Бундан ташқари иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар ва диверсификациялашни чуқурлаштириш, янги, юқори технологияли ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришни таъминлаш, мавжуд қувватларни модернизациялаш ва технологик жиҳатдан янгилаш, саноят кооперацияси асосида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш ҳисобига шаҳар иқтисодийнинг рақобатбардорлигини ошириш ишлари қатъий назоратга олиниб, 2020 йилгача бўлган даврда ижроси мониторингга олинган инвести-

цион лойиҳалар рўйхатини, айниқса иқтисодий ҳудудий инвестицион лойиҳалар ҳисобига янада кенгайтириб бориш лозимлиги таъкидланди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, унинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улушини кўпайтириш, улар олдида юзага келадиган муаммоларни ҳал этиш борасида барча имкониятларни жалб қилган ҳолда ҳар томонлама қўмақлаштириш чораларини кўриш, транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантиришни таъминлаш, бунда ижтимоий соҳа объекларининг янгидан қурилиши, капитал реконструкция қилиниши ва таъмирланиши бўйича амалга оширилаётган ишлар, шаҳар қиёфасини ўзгартириш, кўча ва хиёбонларни, аҳоли яшаш пунктларини ободонлаштириш бўйича кўрилаётган чоралар натижаларини қатъий назоратга олиш кўрсатиб ўтилди.

2020 йилгача бўлган даврда Тошкент шаҳрида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ҳудудий дастури мақсадли кўрсаткичлари ижроси юзасидан тизимли мониторинг олиб бориш, бунда бозорни янги замонавий хизмат кўрсатиш турлари билан тўлдириш ҳамда кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада ошириш тадбирларининг амалга оширилишига алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланди.

Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида модернизация жараёнларини жадаллаштириш, қўп қаватли уй-жой фондларини бошқариш ишларини тақомиллаштириш, қарздорликни камайтириш, энергия ресурсларини тежа-

борасида қабул қилинган ҳукумат қарорлари ва дастурларининг сўзсиз бажарилиши лозимлиги алоҳида қайд этиб ўтилди.

Шунингдек, янги иш ўринларини ташкил этиш ҳудудий дастурининг барча йўналишлар бўйича тўлиқ бажарилишини таъминлаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгилаш, ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси билан биргаликда Тошкент шаҳрида доимий истиқомат қилувчи касб-хунар коллежи битирувчиларини ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш ишларини алоҳида назоратга олиш ҳамда Тошкент шаҳрида 2016 йилда янги иш жойлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисоб-китоб ҳалқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сессияси муҳокамасига киритилиши белгилаб қўйилди.

Иқтисодиётда, банк ва молия тизимида ислохотларни чуқурлаштириш борасида қабул қилинган қонунчилик-меъёрий ҳужжатларнинг ижросини қатъий назоратга олиш, бунда асосий эътибор пул муомаласини бошқаришни тақомиллаштириш, банклар капиталининг ўсиши ҳисобидан иқтисодиётнинг реал секторига инвестициялар ҳажмини кўпайтириш, ҳўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолининг банкларга ишончини ошириш борасида таъсирчан чораларни амалга ошириш вазифалари юкланди.

Акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш, корпоратив бошқарув тизимини тақомиллаштириш ҳамда давлат мулкни хо-

рижий инвесторларга сотиш борасида белгиланган вазифаларнинг сўзсиз бажарилишини қатъий назоратга олиниши қайд этилди.

Шунингдек, йирик хусусийлаштирилган объектларда ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш ҳамда иш ўринларининг сақланиши ҳолатини доимий назоратга олиш, давлат мулкдаги бўш турган ва фойдаланилмаётган объектлар хатловдан ўтказиб борилиши, улардан самарали фойдаланиш, бўш турган объектларни ижарага бериш орқали янги иш ўринларини яратиш ва бюджетга қўшимча даромадларни тушириш бўйича мунтазам иш олиб борилиши кераклиги таъкидланди.

Бундан ташқари, сессияда “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижросини таъминлаш борасида фуқаролар йиғинлари фаолиятини тубдан яхшилаш, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан мамлакатимизда амалга оширилаётган “Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари” концепциясини амалга ошириш, маҳалла институтини демократлаштириш, аҳоли ўртасида маънавий-маърифий ва оммавий тадбирларни ўтказиш, маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, аҳолининг кенг қатламига мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий ислохотлар моҳиятини тушунириш, муҳим ва долзарб масалаларни ҳал этишда уларга амалий ёрдам берилишини таъминлашга оид кенг қамровли масалалар атрофида кўриб чиқилди.

Сессияда ҳалқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг ваколатига кирувчи бошқа масалалар ҳам кўрилиб, ушбу барча масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЕНГИЛ САНОАТ: ЯКУНЛАР ВА ИСТИҚБОЛДАГИ ВАЗИФАЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўтган йилнинг охирида Тошкент вилоятидаги “Максим Гольд” масъулият чекланган жамияти базасида қиймати 7 миллион доллар бўлган инвестиция лойиҳаси ҳаётга татбиқ этилди. Бу ерда йилга 3,5 минг тонна калава ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Андижон вилоятида ҳам қиймати 2,44 миллион долларга тенг лойиҳа амалга оширилди. Банкротга ураган “Бобур” очик акциядорлик жамияти бўлинмалари базасида 1 миллион донна трикотаж



буюмлар ишлаб чиқариш ташкил этилди. “Lemon International” хорижий компанияси (Гонконг) бунга инвестиция киритди. Жиззах вилоятидаги “Дустлик” машина-трактор парк базасида эса йилга 3,5 миллион донна тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Ўтган йили соҳа корхоналарида энергия сарфини камайтириш ва энергия тежайдиган технологияларни жорий қилиш бўйича тизимли ишлар давом эттирилди. Масалан, 2015 йилда қиймати 1 миллиард сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун электр энергияси сарфи 6 фоиз, табиий газ истеъмоли 9,8 фоизга камайд.

Енгил саноят корхоналари ўз фаолиятида маҳсулотларни экспорт қилишни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бунинг самарасида соҳада экспорт ҳажмининг ортиб бораётгани ва ички бозорларимиз мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган сифатли маҳсулотлар билан таъминланаётгани кузатиш мумкин. Жумладан, ўтган йили қиймати 1 миллиард доллардан зиёд енгил саноят маҳсулотлари экспорт қилинди. Ўтган даврда экспортчи корхоналар сони 254 тага етди ва бу “Ўзбекингилсаноят” корхоналари умумий сонининг 89 фоизини ташкил қилади.

Бугунги кунда компания корхоналари экспортга етказиб берилаётган тайёр буюмлар турини кенгайтириш борасида ҳам самарали ишларни амалга ошираётир. Мисол учун, ўтган йилнинг январь-декабрь ойларида соҳа корхоналари экспорт қилаётган маҳсулотлар таркибига бамбукли, модал ва аралаш калава, жаккард ва рингел мато, янги тур ва моделдаги, турли расмлар солинган тайёр тикувчилик-трикотаж буюмлари киритилди. Айни пайтда умумий экспорт ҳажмида юқори қўшимча қийматга эга товарлар улуши 40 фоизга етди.

“Ўзбекингилсаноят” корхоналарининг Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг ташқи савдо компаниялари билан яқин ҳамкорлиги самарасида жаҳон бозорига тўқимачилик ҳамда тикувчилик-трикотаж маҳсулотларига бўлган талаб инobatга олинган ҳолда, экспорт қўлимани кенгайтириш ишлари амалга оширилаётир. Ташқи савдо бозорларини диверсификация қилиш, экспорт қилинадиган товарлар турини кенгайтириш мақсадида соҳа корхоналари Хитой, Россия, Беларусь, Латвия, Корея Республикаси, Германия ва бошқа давлатларда ўтказилган халқаро иختисослаштирилган кўргазма-ярмаркаларда иштирок этди. Бугун мамлакатимизда тайёрланаётган тўқимачилик маҳсулотлари дунёнинг 55 дан ортиқ давлатга экспорт қилинмоқда. 2015 йилда маҳсулотларимизни Колумбия, Бразилия, Сальвадор, Покистон, Хорватия, Нигерия ва бошқа мамлакатларга етказиб бериш йўлга қўйилди.

Жорий йилда корхоналарни мунтазам техник ва технологик янгилаш, соҳа инфратузилмасини жадал ривожлантириш, экспорт салоҳиятини юксалтириш, хорижий инвестициялар жалб этиш ва янги иш ўринлари ташкил қилиш “Ўзбекингилсаноят” акциядорлик жамиятининг устувор вазифалари ҳисобланади.

**М. МАМЕТОВА,
ЎЗА МУХБИРИ**

Бугунги кунда мамлакатимизда фуқаролар соғлигини сақлаш ва аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш мақсадида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, истиқлолнинг илк кунлариданоқ иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, халқимиз турмуш даражасини ошириш йўлида томорқа учун ер майдонлари ажратиш, деҳқон ва фермер ҳўжалиқларини ривожлантириш, аҳолини гўшт ва сўт маҳсулотлари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Бунда соҳанинг ҳуқуқий асослари яратилгани, хусусан “Наслчилик тўғрисида”ги, “Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги, “Хайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги “Деҳқон ҳўжалиги тўғрисида”ги, “Фермер ҳўжалиги тўғрисида”ги Қонунлар ва бошқа бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинганлиги муҳим омил бўлмоқда.

Бугунги кунда, Тошкент шаҳар давлат ветеринария бошқармаси қосида ветеринария лабораторияси, 11 та туман давлат ветеринария бўлими, деҳқон бозорларида 27 та ветеринария-санитария экспертиза лабораторияларида жами 190 нафар мутахассислар фаолият юритиб келмоқда.

Тизим ходимлари мамлакатимиз пойтахти ҳудудини хайвонларнинг ўта хавфли юқумли касалликлари кириб келишидан муҳофаза қилиш, гўшт ва сўт маҳсулотларининг ветеринария жиҳатидан хавфсизлигини таъминлаш, хайвонларни юқумли касалликларга қарши ўз вақтида профилактик эмлаш каби муҳим вазифаларни бажариб келмоқда.

Чет эл давлатларидан республикамиз ҳудудига инсонлар ва хайвонлар учун умумий бўлган ўта хавфли юқумли касалликлар кириб келиши ва тарқалишининг олди олиниб, мамлакатда барқарор эпизоотик вазият сақланмоқда. Яъни, дунё мамлакатларидаги эпизоотик вазият доимий равишда мониторинг қилиб боришмоқда.

Жумладан, шаҳар ветеринария бошқармасининг ҳисоб-китоблари кўра, пойтахтимиз ҳудудига четдан юқумли касалликлар кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш мақсадида, Тошкент шаҳар давлат ветеринария хизмати томонидан 2015 йилда 50.548 минг бош чорва моллари 4 турдаги касалликларга, 68.890 бош ит ва мушуклар қутиринг касаллигига ва 147 минг бош парранда Ньюкаст касаллигига қарши профилактик эмланган. Крым-Конго геморрагик иситма касаллигининг олдини олиш мақсадида 80 мингдан ортиқ хайвонлар сақланадиган жойларда дезинфекция ва дезинсекция тадбирлари ўтказилиб, 18.750 минг бошдан ортиқ чорва моллари профилактик қўмилирилган.

Албатта, соҳанинг изчил тараққий этиши, қолаверса, глобаллашув жараёнида озиқ-овқат хавфсизлиги масалалари долзарб аҳамият касб этади. Шундан келиб чиққан ҳолда бугун соҳага оид қонунчилик ҳам тақомиллаштириш зарурати юзага келди. Бинобарин, дунёнинг турли минтақаларида хайвонлар касалликлари орасида инсонлар учун ҳам хавфли бўлган юқумли касалликлар сонининг кўпайгани уларнинг тарқалиши хавфи ортгани бугунги шароитда мамлакатимиз аҳолисини бундай хавф-хатарлардан ўз вақтида ҳимоя қилиш, уларни сифатли гўшт ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш энг муҳим ва долзарб масалалардан биридир.

Маълумки, 1993 йилда қабул қилинган “Ветеринария тўғрисида”ги Қонун аҳолини хайвонлар ва одам учун умумий бўлган касалликлардан ҳимоялаш, ягона давлат ветеринария назоратини амалга ошириш ва атроф-муҳит муҳофазасидаги ветеринария-санитария муаммоларини ҳал этишининг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилди.

Бироқ, ўтган давр мобайнида олиб борилган таҳлиллар натижалари шуни кўрсатдики, эски тахрирдаги Қонуннинг бир қатор нормалари бугунги кун талабларига жавоб бермай қолган.

Хусусан, Қонунда ветеринария хизматининг бошқа вазирлик ва идоралар билан самарали ҳамкорлик қилишининг ҳуқуқий асослари, ветеринарияда қўлланиладиган дори воситаларини ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланишни тартибга солувчи нормалар белгиланмаган, шунингдек, давлат ветеринария хизматини бошқариш тизими тўлиқ тартибга солинмаган, соҳада назорат тизимининг ҳуқуқий асослари белгиланмаган эди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Махлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан янги тахрирдаги “Вет-

ринария тўғрисида”ги Қонун маъқулланиб, 2015 йил 31 декабрдан кучга кирди.

Ушбу Қонун мамлакатимизда аҳолининг ҳамда хайвонларнинг ҳаёти ва соғлиғи муҳофаза қилинишини таъминлаш, хайвонлар касалликлари пайдо бўлишининг, тарқалишининг олдини олишга ва уларни тугатиш бўйича муносабатларни тартибга солишга хизмат қилади. Шу билан бирга, аҳоли ва хайвонларни улар учун умумий бўлган касалликлардан, республика ҳудудини хайвонларнинг юқумли хасталиқлари олиб кирилишидан муҳофаза қилиш имконини беради.

Хайвонларга ветеринария хизмати кўрсатилишини амалга ошириш, мамлакат ҳудудининг ветеринария жиҳатдан оғишталлигини, давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларнинг ветеринария-санитария хавфсизлигини таъминлашга қаратилган фаолиятни янада тақомиллаштириш ҳам янги тахрирдаги Қонуннинг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Жами олти боб ва 32 та моддадан иборат бўлган янги тахрирдаги “Ветеринария тўғрисида”ги Қонунда ветеринария соҳасидаги асосий тушунчалар келтирилган.

Шунингдек, эски Қонундан фарқи ўлароқ янги тахрирдаги Қонунда қўйидаги асосий жиҳатлар белгиланган:

Биринчидан, Қонунга мувофиқ, ветеринария соҳасидаги тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, давлат томонидан ветеринария соҳасидаги нормаларни белгилаш, давлат ветеринария назоратини амалга ошириш, ветеринария соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, ветеринария соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ҳисобланади.

Иккинчидан, Қонунда Вазирлар Маҳкамасининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Давлат ветеринария бош бошқармасининг ветеринария соҳасидаги ваколатлари белгилаб берилган.

Учинчидан, Қонунда ветеринария тадбирларини ўтказишда фуқаролик жамияти институтларининг иштирок этиши кўзда тутилаётгани ижтимоий шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашга муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, давлат ветеринария хизматининг шиф-фоллигини, тегишли ҳудудда ветеринария соҳасида жамоатчилик назоратининг амалга оширилишини таъминлаш мақсадида ветеринария тадбирларини ўтказишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқароларнинг иштирок этиши назарда тутилган.

Тўртинчидан, Қонунда ветеринария тизимининг давлат, идоравий ва ишлаб чиқаришдаги ветеринария хизматлари, уларнинг вазифалари, давлат ветеринария инспекторларининг ҳуқуқий мақоми ва ваколатлари, идоравий ветеринария хизмати ветеринария мутахассисларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгилаб қўйилган.

Бешинчидан, Қонун ветеринария тизимида янги – ишлаб чиқаришдаги ветеринария хизмати ҳақидаги норма билан бойитилди. Унга кўра, фаолияти қорвачиликни ташкил этиш ва юритиш, хайвонларни сақлаш, келиб чиқиши хайвонотга мансуб маҳсулот ва хом ашёни, озуқаларни, озуқабоп қўшимчаларни ҳамда хайвонларни даволаш учун мўлжалланган ветеринария дори воситаларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш, ташвиш ва реализация қилиш билан боғлиқ бўлган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар томонидан ўз маблағлари ҳисобидан ишлаб чиқаришдаги ветеринария хизматлари ташкил этилиши мумкинлиги кафолатлаб қўйилган.

Яна шуниси аҳамиятлики, муҳофаза этилаётган Қонунда ветеринария барқарорлигини таъминлашга йўналтирилган 10 дан ортиқ янги тушунчалар киритилган.

Хусусан, Қонунда ветеринария сойишталлигини ва давлат ветеринария назоратини таъминлаш мақсадида ўтказиладиган профилактика, ташхис қўйиш ва даволаш тадбирларини ўтказишдан қўзланган мақсад тўлиқ ёритиб берилган.

**Жаҳонгир МИРЗАЕВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори**

Мирзо Улуғбек тумани ҳокимининг ҚАРОРИ

МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИДА 2016 ЙИЛДА ҚИШЛОҚ ХўЖАЛИГИ ВА МЕЛИОРАТИВ ТЕХНИКАНИ, МАШИНА- ТРАКТОР ПАРКЛАРИ, УСТАХОНАЛАР ВА СЕРВИС ПУНКТЛАРИНИНГ АСБОБ- УСКУНАЛАРИНИ ТЕХНИК КўРИҚДАН ЎТКАЗИШ Тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 6 декабрдаги 345-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигининг машина ва асбоб-ускуналарнинг техник ҳолатини назорат қилиш давлат бош инспекцияси тўғрисида”ги Низоми (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 50-сон, 559-модда), Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигининг 2013 йил 2 апрелдаги 58-буйруғи билан тасдиқланган “Қишлоқ ҳўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек, машина-трактор парклари, устaxonалар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 17-сон, 229-модда) ижросини таъминлаш ҳамда туманда 2016 йилда қишлоқ ҳўжалиги ва мелиоратив техника, машина-трактор парклари, устaxonалар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини (бундан буён матнда техника деб юритилади) ҳар йиллик техник кўриқдан ўтказиш мақсадида ҳамда Тошкент шаҳар “DAVTEXNAZORAT” инспекциясининг 2015 йил 15 декабрдаги 292-сонли хатига илова “Мирзо Улуғбек туманида мулкчилик шаклидан қатъи назар ташкилотларда фуқароларнинг қишлоқ ҳўжалиги ва мелиоратив техникалари, шунингдек, машина-трактор парклари, устaxonалар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини йиллик техник кўриқдан ўтказиш иш режаси”га асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Мирзо Улуғбек туманида 2016 йилда мулкчилик шаклидан қатъи назар ташкилотларда қишлоқ ҳўжалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор парклари, устaxonалар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўриқдан ўтказиш иш режаси 1-иловага ва комиссия таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Туман қишлоқ ҳўжалиги техникалари бўйича давлат инспектори М.Каримқуловага: техникага мулк ҳуқуқи асосида эга шахсларга (бундан буён матнда мулкдор деб юритилади), техникаларини техник кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги билдиришномани техник кўриқ ўтказиш кунидан камида ўттиз кун олдин юборишни таъминлаш; мулкчилик шаклидан қатъи назар барча румсудаги қишлоқ ҳўжалик ва мелиоратив йўл қурилиш техника воситалари, машина асбоб-ускуналарни йиллик техник кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги иш режаси ва комиссия таркибини юридик ва жисмоний шахсларга етказиш;

мулкчилик шаклидан қатъи назар барча румсудаги қишлоқ ҳўжалик ва мелиоратив йўл қурилиш техника воситаларини йиллик техник кўриқдан ўтказиш майдончаларига йиғиш;

техник кўриқдан ўтган техникаларни далолатномалар асосида ишлашга рухсат беришни ташкил қилиш;

техник кўриқдан ўтмаган ёки техник кўриққа тақдим этилмаган техникалар юзасидан мулкдорга ёзма кўрсатма берилиши ва қайта техник кўриқдан ўтказиш учун ўн кундан кам бўлмаган муддатни белгилаш;

техникани қайта кўриқдан ўтказиш учун мулкдордан йиғим ундирилмаслик;

мулкдор кўрсатмада белгиланган муддатда техникани қайта техник кўриқдан ўтказмаган ҳолда туман ҳокимлигига маълумот бериш ишларини амалга ошириш топширилсин.

3. Бошқа туманларда фойдаланилаётган техника ушбу манзилдаги давлат инспектори томонидан техника доимий рўйхатдан ўтган давлат инспекторининг сўровномасига асосан техник кўриқдан ўтказилиши белгилансин.

4. Мулкдорларга: билдиришномани олгандан сўнг техник кўриқ ўтказишда камидан беш кун олдин техник кўриқдан ўтказиладиган техникалар тўғрисида далолатнома тўлдирилсин;

техник кўриқдан ўтказиш учун белгиланган йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни техника доимий рўйхатдан ўтган жойдаги давлат инспекторига тақдим этилсин.

5. Тошкент шаҳар “DAVTEXNAZORAT” инспекцияси ташкилотлар раҳбарлари томонидан мазкур қарорни тўлиқ бажариш юзасидан қатъий назорат ўрнатсин.

6. Мирзо Улуғбек туман ҳокимлигининг ташкилий назорат гуруҳи (Қ.Икромов) ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг “Компьютерлаштириш маркази” ДУҚ-нинг Мирзо Улуғбек туман тармоқ администратори (М.Алимов):

Мазкур қарор “Тошкент оқшоми” ва “Вечерний Ташкент” газеталарида расмий эълон қилинсин ва www.mirzoulugbek.toshkent.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.

7. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирилади.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Д.Атаев зиммасига юклансин.

**Мирзо Улуғбек тумани ҳокими
Ш.Ахмедов**

2016 йил 12 январь

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг tashkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.

Ўсиб келаётган ёш авлодга қаратилаётган юксак эътибор, 2016 йилнинг “Соғлом она ва бола” йили деб эълон қилиниши ва бундаги ҳикмат фарзандларни туғилганидан соғлом ўстириш, уларни соғлом фикрли қилиб вояга етказишдир.

Айниқса, бугун юртимизда ўз мутахассислиги бўйича юқори малакали кадрларни тайёрлаш масаласи бош концепцияга айланди. 1997 йил 29 августда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури амалиётга тўла жорий этилди, таълим соҳаси тубдан ислоҳ қилинди ҳамда айни пайтда сифат босқичи амалга оширилмоқда. Демак, республикамиздаги барча таълим муассасаларининг моддий базаси замон талаблари асосида таъминланди. Эндиги мақсадимиз, биз педагоглар яратилган имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда таълим сифатини янада оширишга ўз ҳиссамизни қўшмоғимиз, керак бўлса таълим жараёнини самарали амалга оширишнинг инновацион технологияларини яратмоғимиз лозим.

Сергеи политехника касб-хунар коллежиди ҳам “Таълим тўғрисида”ги қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларини бажариш юзасидан кўпгина ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Мутахассисларни тайёрлаш ва ўқитиш соҳасида истиқболли ҳамкорликлар, ўқувчиларнинг ўзлари танла-

ган таълим йўналишлари бўйича касб-хунарларни янада пухтароқ эгаллашлари, фан-техника сирларини мукаммал ўзлаштиришга бўлган қизиқишларини кучайтириш, илмий изланишлар, конструктив лойиҳалаш,

ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ

ихтирочилик ва техникавий иқтисодиёт соҳаларидаги ишларни мувофиқлаштириш учун автомобиллар амалий машқ майдони куриб битказилди.

Замонавий талабларга жавоб берадиган автомобилларга сервис хизмат кўрсатиш устандасида ўқувчилар машғулотларни бажариш жараёнида ўзларини ишлаб чиқаришдаги ҳис қиладилар. Шу ўринда Конфуцийнинг куйидаги “Айтсанг-унутаман, кўрсатсанг-эслаб қоламан, ўзим бажарсам моҳиятини англаб етаман” деган ҳикматларини таъкидлаш жоиз.

Коллежда ўқув ва ишлаб чиқариш амалиёти яхши йўлга қўйилган. Бу борада ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари С.Расулов, муҳандис-пе-

дагоглар раҳбари Ж.Уруновларнинг хизматлари катта. Улар ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларини ошириш йўлида тинмай изланишлар олиб борадилар. Назарий ва амалий билимлар бирлигини таъминлаш учун кадрлар тайёрлаш миллий модели тарихий қисмига асосан узлуқсиз таълимни ишлаб чиқариш билан бевосита боғлаб амалга оширишга интилоқдамиз. Бу борада корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорлик шартномаларини тузиш ва буларнинг барчасини дастур доирасида амалга оширилишини назорат қилиш айнан шулар жумласидандир.

Бундан ташқари коллеждаги ҳар бир фан янги педагогик технологиялар асосида, масалан муаммоли таълим, Кейс технологиялари, интерактив методлар, тренажёрлар асосида ташкил этилган. Чинакам, ўз касбининг фидойилари бўлган устоз-педагоглар ўқувчиларга ўз билимларини бериб келмоқдалар.

Ҳар бир инсон касб танлар экан келажакда ўз соҳасининг ҳақиқий устаси бўлиб етишиши, халқи учун, юрти учун ҳолис хизмат қила олишни мақсад қилиб олмоғи лозим. Ёшларга тўғри йўлни танлаб олишларига эса биз педагоглар ҳар биримиз масъулмиз.

**Х.ВАЛИЕВА,
М.ҚОРАБОВЕВА,
муҳандис-педагоглар**

ФАРОВОН ҲАЁТИМИЗ АСОСИ

Дунё ҳамжамиятини айни пайтда таҳликага солаётган ва ўйлантираётган муаммо ҳам бу – тинчликни сақлаш, хавфсизликни таъминлаш, халқаро терроризм ва экстремизмга қарши баҳамжиҳат курашиш экани кун сайин ойдинлашиб бормоқда.

Мамлакатимизда тинчликпарвар сиёсат юритилиши билан бирга, кўшни давлатлар билан ҳамisha ўзаро тотувлик ва манфаатдорлик асосида иш олиб борилади. Бугун дунё ҳамжамияти Ўзбекистон раҳбарининг Афғонистондаги вазиятни фақат ўзаро сиёсий келишувлар орқалигина амалга ошириш мумкин, деган тақлифига мос равишда иш юритишни маъқуллашмоқда.

Дарҳақиқат, Президентимизнинг тинчликни сақлаш, хавфсизликни таъминлаш борасида билдирган фикрлари дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда, қўллаб-қувватланмоқда. Умуман, бугун мамлакатимиз раҳбарияти ва халқимиз жонбозлигида олиб борилаётган барча сазой-ҳаракатлар жаҳон ҳамжамияти эътиборини жаҳонда тинчликни ўрнатишга ва дунё минтақасининг айрим жойларида муттасил давом этаётган уруш-низо, нифокларнинг олдини олишга қаратилган теран нигоҳ, навбатдаги салмоқли тақлиф ҳамдир.

Маълумки, мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритиш йўлида не-не машаққат ва синновларни сабр-тоқат, юксак ирода, жасорат ва матонат билан енгиб ўтди. Лекин, афсуски, Ўзбекистон халқининг буюк давлат қуриш мақсадида илдам одимлаётганини кўра олмаётган айрим сиёсий кучлар ҳар қандай восита ва усуллар билан бу тараққиёт йўлига тўғанок бўлишга ҳаракат қилмоқда.

Бундай уринишлар дастлаб, ислом дини никоби остида ҳаракатланган экстремистик оқимлар орқали республикадаги тинч ва осуда ҳаётни издан чиқаришга, кейинчалик миллатлараро тотувликка раҳна солиш йўли билан кўшни давлатлардаги нотинчликлар гирдобига гирифторм қилишга ва натижада Марказий Осиёдаги вазиятни беқарорлаштиришга қаратилгани билан изоҳланади.

Бу каби ёвузликларнинг илдири отиши, диний экстремистик оқимлар гоёларига баъзи ёшларнинг мойил бўлиб қолишига барҳам бериш ҳамда энг азиз неъмат бўлиши тинчликни сақлаш мақсадида, шахсан Ўртбошимиз томонидан зарур чора-тадбирларнинг ўз вақтида белгилаиши тинч ва фаровон ҳаётимизнинг асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Энди амалий сазой-ҳаракатларга келадиган бўлсак, Истиқлолнинг илк давриданок Ўртбошимиз томонидан бонг уриб айтилган “Огоҳликка даъват”, “Ўзбек халқи ҳеч кимга қарам бўлмайди”, “Ўзбекистоннинг барча ёшлари менинг фарзандларим” деган фикрлари замирида авваломбор фарзандларимизни яхшини ёмондан, халолни ҳаромдан, бир сўз билан айтганда, “оқ”ни “қора”дан ажратадиган, билимли, зукко, маънан ва жисмонан етук қилиб вояга етказишдек эзгу мақсад мужассам. Унинг амалий рўёби сифатида юртимизда спорт, илму фан, маданият ва санъат, хунармандчилик ва адабиёт соҳалари ривожига уруғ берилганини кўришимиз мумкин. Уша пайтда ёшларимиз онгидаги “маънавий бўшлиқ” ана шу тарзда тўлдириб борилди, шу орқали, халқимиз табиатида умуман ёл бўлган, радикализм, жангар экстремизм гоёлари ёйилишининг олдини олишга пухта замин яратилди.

Бундан ташқари, “Фояга қарши гоё” руҳида олиб борилган сазой-ҳаракатларимиз тўғрисида эътиқодли халқимиз томонидан қоронгу хужралардан кўра, ёруғ, шинам ва замон талабларига мос бўлган ўқув даргоҳларида тахсил олиш минг чандон афзал экани аниқ етилди. Ёшларимиз ҳамда соҳа мутахассислари тафаккурининг маънавий-маърифий юксалишига хизмат қилувчи Тошкент Ислон университети ҳамда Имом Бухорий халқаро Маркази ташкил этилди.

Гап шундаки, биз ёшларимиз дунёқарашини ўзларининг фарзандли ниётлари ва гоёлари билан заҳарлашга уринаётган ёвуз кучларга қарши маърифат руҳи билан суғорилган ҳаётбахш кучни ўз вақтида топа билдик ва ундан унумли фойдалана олдик. Зотан, бугун спорт соҳасида жаҳон чемпионолари, олимпиада совриндорлари, халқаро фан олимпиадалари гоилблари, мусиқа ва санъат йўналишида ўзининг ноёб иқтидори билан дунёни лол қолдираётган фарзандларимиз сонининг кун сайин кўпайиб бориши ҳам, ана шу узоқ ўйланган тинчликпарвар сиёсатимизнинг нишонасидир.

Бундай юксак эзгу ниётларнинг барчаси тўлақонли рўёбга чиқиши учун биринчи навбатда, юртда осойишта, осуда ва хотиржам ҳаёт барқарор бўлиши зарур, албатта. Ота-боболаримиз анъаналарига содиқ қолган ҳолда, “етти ўлчаб бир кесиш”дек, катъият ва вазминлик руҳида олиб борилган изчил ислохотлар эвазига юртимизда тинчлик сақланмоқда, радикализм ва жангар экстремизмга қарши курашиш муҳити шаклланиб, хавфсизлик, барқарорлик таъминланшига эришилляпти.

Халқимизнинг мана шундай мустақил мамлакатда мусаффо осмон тагида, тинч ва тотувликда, ўз ҳаётларидан рози бўлган ҳолда эмин-эркин яшашлари учун барча шароитларнинг яратилиши заримондошларимиз ва авлодлар томонидан эътироф этиладиган буюк жасоратдир.

**Нуриймон АБУЛҲАСАН,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ
ЁХОТМ ШТБИХ ТИБ бошлиғи, майор**



Халқ ижодиёти намуналари ёшлар нигоҳида

ҲАЁТ САБОҚЛАРИ МУЖАССАМ

Халқ оғзаки ижодида салмоқли ўринни эгаллайдиган, ҳамма учун бирдек манзур бўлган, болаликка қайтганимизда, у билан учрашадиган ижод туримиз бу эртақлар олами дир.

Эртақ аҳамияти ҳақида қанча гапирсак, шунча оз. Негаки, эртақ ҳар бир ёш авлодни эзгуликка етаклаб, болажонларнинг ҳар бир ҳаракатини ўйлаб бажаришга, ёмон кўсурлардан халос бўлишга ўргатади.

Бунга мисол қилиб ўзимизни олишимиз мумкин. Агар мультфильм кўраётган ёки эртақларни мазза қилиб ўқиётган болакайни кўрсангиз, беихтиёр сиз ҳам унинг қувончли оламига қўшилиб кетасиз. Ахир, сиз ҳам бир вақтлар бола бўлиб, эртақлар уммонидан сузгансиз-ку! Ҳар бир эртақ, болани ўзи устида ишлашга, мустақил бўлишга, ижодий қаҳрамонларга ўхшашига ҳаракат қилишга ундайди. Шундай экан, таассуротларга бой, энг самимий, халқ донолиги сингирилган эртақларда ҳаёт ҳақиқати, ҳикматлари мужассамдир.

Ҳаёт ҳақиқати билан боғлиқ бўлган, аммо ҳаёлий, тасаввурий уйдирмалар асосида бунёд бўлган, тарбиявий аҳамияти эгга бўлган фантастик хусусиятлар билан тўқилган ҳикояларга эртақ дейилади. Биринчи марта эртақ атамаси машҳур ёзувчи Махмуд Қошғарий томонидан “Девону лугатит турк” асаридида келтирилган. Айнан, шу асарда халқимиз оғзаки ижодининг ўша вақт учун маълум бўлган барча халқ ижодлари га батафсил тўхтаб, таъриф ва маълумотлар бериб ўтган.

Эртақларда инсонга тегишли бўлган энг эзгу фазилатлар яъни ватанпарварлик, вафодорлик, дўстлик, муҳаббат, ўзаро ҳурмат, инсонпарварлик каби туйғулар турли образлар орқали очиб берилди. Ҳар бир эртақда ёвузлик устидан

яхшилик галаба қилиши эътиборга сазовор тарафлардан биридир. Ҳар халқ бу борада, ўзининг сеvimли қаҳрамонларига эга ва бу қаҳрамонлар уларнинг ёдидан ҳеч қачон кўтарилмайди.

Ўзбек халқ эртақларининг бадий асар даражасида сақланиб қолишида Ҳасан Худойберди ўғли, Ҳайдар Байчи ўғли, Ҳамробиби Умарали қизи ва бошқалар муносиб ҳисса қўшишган.

Эртақлар ёзма шаклда ҳам бўлади, бу эртақлар тарқалишига унча катта ёрдам бермасида, лекин узоқ вақт сақланади. Бу эртақлар ҳаммамизга маълум ёзувчи ва шоирлар томонидан яратилган. Машҳур Шарль Перро, немис эртақчилари ака-ука Якоб ва Вельгельм Карл Гриммлар, Ханс Кристиан Андерсен, англиялик Оскар Уайлд, рус ёзувчиларидан Пушкин, Толстой ва бошқалар ўз асарларидан ташқари, ажойиб эртақлар ҳам ёзишган.

Ўзбек адабиётида ҳам эртақлар мавзусига ҳисса қўшган, ёзма эртақ намуналарини яратган Худойберди Тўхтабоев, Анвар Обиджон, Турсунбой Адашбоев каби эртақнавис адилларимиз томонидан ажойиб эртақ асарлари жаҳон тилларига таржима қилинмоқда.

Шундай экан, эртақ халқ оғзаки ижодининг энг нурили, сўнам, беғубор, таъсирли, барчани бирдек ўзига маҳлиё қила оладиган, нафақат мурғак қалб эгалари учун, балки катталарни ҳам яхшиликка ошно этадиган бадий ижод намунасидир.

**НОЗИМА ОЛИМОВА,
ЎЗМУ журналистика факультети 1-босқич талабаси**

Бош прокуратура ҳузуридаги Департаментнинг Юнусобод тумани бўлими ходимлари томонидан ноқонуний валюта олди-сотдиси га қарши олиб борилган тезкор тадбирларда бир гуруҳ фуқаролар жиноят устида қўлга олинди.

Ойсара Ражабова (исм-фамилиялар ўзгаририлди), Дониёр Бакиров, Мурод Саидов, Фазлиддин Носиров, Ҳалим Ортикювлар бир гуруҳ бўлиб Юнусобод тумани, 11-мавзеддаги уйлар атрофида валюта олди-сотдиси билан шуғуланиб келишган. Ўтган йили 6 февраль кун тахминан соат 16:10 ларда Фазлиддин Носиров фуқаро Жамшид Элмуродовга 1500 АҚШ долларини “қора бозор” курси бўйича сотаётган пайтда ушланган. Ушбу фуқаролардан жами 6 минг АҚШ долларини, Қозоғистон тенгеси, 21,8 млн. сўм пуллар баённома асосида олинган.

Судда ноқонуний валюта олди-сотдиси билан шуғулланган бу қим-

салар жинояти гувоҳлар кўрсатмалари, мавжуд ашёвий далиллар билан ўз исботини топти.

Суд судланувчиларга нисбатан жазо тайинлашда жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусиятини, содир этилган ушбу қилмишнинг сабабларини, яшаш жойидан ижобий тавсифлаиши, муқаддам судланмаганлиги, оилавий шароитини инобатга олиб жазо тайинлади.

**Бехзод АҲМЕДОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги Департаментнинг Юнусобод тумани бўлими катта инспектори**

КЕНГ КЎЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

Халқаро божхоначилар кунини нафақат дунё давлатлари божхона хизматларининг ўзаро ҳамкорлигини намойиш этиш, балки иқтисодий ва ижтимоий тараққиётга эришишда божхонанинг муҳим иштирокига яна бир қарра кенг жамоатчилик эътиборини жалб қилиш имконини беради.

Ўзбекистон ҳам 1992 йил 28 июлдан бери мазкур ташкилотга аъзо ҳисобланади. Мамлакатимиз 15 та халқаро божхона конвенциясининг аъзоси бўлиб, бугунга келиб Жаҳон божхона ташкилоти ишида фаол иштирок этапти. Ўзбекистоннинг 1995 йилда Сиёсий комиссия аъзоси этиб, 2001 йилда эса Молия қўмитаси таркибига сайланиши ҳам мамлакатимиз халқаро божхона ҳамжамияти томонидан муносиб эътироф этилганидан далолат беради. Ушбу кўп йиллик ҳамкорлик республикамиз ҳуқуқий базасини халқаро конвенциялар ва божхона ишининг бошқа халқаро меъёрларига яқинлаштиришга имкон берди. Божхона соҳасидаги қонунчиликнинг умумқабул қилинган халқаро стандартлар, меъёрлар ва амалиёт билан бирхиллаштириш ҳамда уйғунлаштириш йўналишида ривожланмоқда, бу эса республика божхона сиёсати ютуқларини мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг муҳим далили деб эътироф этишни таъминлайди.

Республикамизнинг барча жабҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар қаторида божхона органлари фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини янада оширишда божхона назоратининг замонавий механизмлари ва ахборот-коммуникация технологияларини амалиётга кенг жорий этиш, божхона постларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, контрабанда ва божхона қонунлари бузилишига қарши курашишни кучайтириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Халқаро касб байрами арафасида республикамиз божхона хизмати аъзосига кўра ўтган йилдаги ўз иши якунларини сарҳисоб қилишди. 2015 йил божхона соҳасида ниҳоятда самарали йил бўлди. Хусусан, божхона ишининг ағона қонунчилик базасини халқаро стандартларга мос равишда шакллантириш, божхона маъмурчилигининг барча босқич ва даражаларида ҳуқуқий норма ва ёндашувларни бир ҳилда қўлланилишини таъминлаш, ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг янги тахрирдаги Божхона кодексини Сенатнинг йил сўнггидаги ялпи мажлисида сенаторлар томонидан маъқуллашди. 2016 йил 20 январь кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланди. Президентимиз томонидан “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлида тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2015 йил 15 майдаги Фармонининг қабул қилиниши ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларига божхона соҳасида ҳам бир қатор қулайликлар ва энгилликларни тақдим қилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 30 октябрдаги қарори билан ташувчиларга, божхона брокерларига ёки бошқа манфаатдор шахсларга 2015 йил 1 декабрдан бошлаб яна бир энгиллик ва имконият жорий қилинди. Юк ташувчиларга, божхона брокерларига ёки бошқа манфаатдор шахсларга 2015 йил 1 декабрдан бошлаб ҳам мазкур Қарор билан автомобиль транспортида Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали (шу жумладан транзит шартларида) ўтказиладиган товарлар ва транспорт воситалари тўғрисида давлат божхона хизмати органларини электрон тарзда олдиндан хабардор қилишни амалга ошириш ҳуқуқи берилди. Божхона органлари фаолиятини халқаро тармоқда ёритишда маълумотларнинг тезкорлиги, сифати ва даврийлигини таъминлаш, божхона соҳасига доир ахборотларни тақдим этишда самарали усулларни жорий этиш, интернет фойдаланувчилари, хусусан ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари учун халқаро тармоқда ўзларига тегишли ахборотларни қисқа фурсатда ва қулай тарзда қўлга киритиш мақсадида 2015 йилнинг 1 августидан бошлаб, Давлат божхона қўмитаси Интернет тармоқда янги такомиллаштирилган веб-сайтини ишга туширди. Сайт 8 та бўлимда 120 дан ортиқ саҳифаларда ахборотларни тақдим қилиб, содда навигация орқали фойдаланувчи ўзига керакли ахборотни санокли сонияларда топиши мумкин. Бунда ахборотларнинг тури, йўналиши ва энг муҳими, кимга мўлжаллангани алоҳида инобатга олинган. Сайт орқали 9 турдаги электрон хизматлар кўрсатилади ва 19 турдаги энг маълумотлар тақдим этилади. 2016 йилда божхона ходимларининг ижтимоий-маиший аҳолини янада яхшилашга қаратилган қатор лойиҳалар амалга оширилди.

Бундай натижаларга асосий эътиборни божхона тизимини ислоҳ қилиш, кадрлар потенциалидан унумли фойдаланиш, божхона қонунчилигини такомиллаштириш, божхона назоратини ва контрабандага қарши курашни кучайтириш, фаолиятга ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, товарларнинг ҳақиқий миқдори ва қийматидан келиб чиқиб божхона тўловларини ундириш эвазига эришилмоқда.

Божхоначиларнинг машаққатли ва шарафли меҳнати ҳамisha эъзоланиб, муносиб эътироф қилиб келинмоқда. Ўтган йилда божхона органларида ўрнатилган кўрсаткич хизмат қилаётган 7 нафар ходимлар, жорий йилда эса 2 нафар божхона ходимлари Президентимиз қарори асосида давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлишди.

Бу эса республикамиз божхона органларида маъсулият ва шараф билан хизмат қилаётган божхоначиларимиз фаолияти муносиб эътироф этилаётганидан далолатдир.

**Ҳусен ТАНГРИЕВ,
Давлат божхона қўмитаси
Ахборот хизмати катта инспектори**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

“Ko’chmas mulk savdo xizmati” МЧЖда 2016 йил 20 январь кунини ўтказилган очик аукцион савдоси натижасига кўра сотилган давлат активи
Тошкент шаҳар ҳўрмилиги Бинолардан фойдаланиш департаменти тасарруфидаги, Тошкент шаҳри, Яқкасарой тумани, Бешчинор кўчаси, 2-уй манзилида жойлашган, 2 қаватли бино ертўласи билан, бошланч баҳоси – 2 631 262 293 сўм, сотилиш баҳоси – 3 445 000 000 сўм.

Болалар спорти

Президентимиз Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашнинг муҳим ва самарали омили бўлган жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

ЭЗГУ ОРЗУЛАРИМИЗ РЎЁБИ

Таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган кенг қўлланма ислохотлар жараёнида ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, уларни ўзи қизиққан спорт турларига кенг жалб этиш, спорт мажмуаларида барча зарур шароитларни яратишга қаратилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик ўз самараларини бераётди. Давлатимиз раҳбарининг 2002 йил 24 октябрдаги "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида"ги ва 2004 йил 29 августдаги "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонлари соҳа ривожига муҳим дастуруламал бўлмоқда.

исботлай оладиган спортчиларни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бундай эътибор ва ғамхўрликка жавобан ёшларимиз жаҳон ареналарида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келмоқда. Биргина шахматни олайлик. Кишидан юксак интеллектуал салоҳият талаб қиладиган мазкур спорт тури бўйича мамлакатимизда илк жаҳон чемпионлиги 2004 йили Рустам Қосимжонов эришган бўлса, бугунги кунга келган унинг ёнига Нодирбек Абдусатторов, Шамсиддин Воҳидов, Исламбек ва Жавоҳир Синдоровлар сингари истеъодли ёшлар қўшилди. Бу ёшлар жаҳон чемпионларида олтин медални қўлга киритган шахматчилардир. Улардан ташқари совриндор бўлганлар, Осиё чемпионларида, турли нуфузли турнирларда муваффақиятга эришадиганлари қанча. Пойтахтимизнинг Яшнобод туманидаги 307-умумтаълим мактаби ўқувчиси Шамсиддин Воҳидовга кўпчилик тенгдошлари ҳавас қилади. У етти ёшдан шахмат билан мунтазам шуғулланади, мамлакат чемпионларида бир неча бор ғолиб ва совриндор бўлган. 2013 йили Шри-Ланкада мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида ўн бир ёшга бўлган шахматчилар ўртасида иккита олтин ва битта бронза медални қўлга киритди.

тининг 14 ёшгача ўғил болалар ўртасидаги баҳсларида 150 шахматчи орасида тенгсиз эканини исботлаб, шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. — Келажақда ниятларим кўп, — дейди Шамсиддин. — Рустам Қосимжонов сингари катталар ўртасида ҳам жаҳон чемпиони бўлишни мақсад қилганман. Таиланда мактаб ўқувчилари ўртасидаги жаҳон чемпионатида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган Жавоҳир Синдоров олтин медални қўлга киритгани, Сингапурда ўтказилган Осиё чемпионатида ёш спортчиларимиз 2 олтин, 1 кумуш ва 2 бронза медалга сазовор бўлгани, Қирғизистонда йигирма ёшгача бўлган ўғил-қизлар ўртасидаги Осиё чемпионатида Гулруҳбегим Тоҳиржонова бир йўла учта олтин медал билан тақдирлангани, Нодирбек Ёқуббеёвнинг блиц ва рапид йўналишларида биринчи ўринни эгаллагани юртимизда шахмат бўйича кучли мактаб шаклланидан далолат беради. Ёш спортчиларимиз бокс, эркин ва юнон-рум кураши, дзюдо, оғир атлетика каби қатор спорт турлари бўйича ҳам нуфузли мусобақаларда муносиб иштирок этиб, улкан ғалабаларни қўлга киритаётди. Асосийси, улар ҳар томонлама соғлом ва баркамол, ўз мақсади йўлида тинмай ҳаракат қиладиган, иродаси мустаҳкам, қатъиятли авлод бўлиб вояга етмоқда — халқимизнинг эзгу орзулари рўёбга чиқмоқда.

Байрам АЙТМУРОВО, ЎЗА мухбири



ҒОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Келажагимиз ворислари — фарзандларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг жисмонан бақувват, соғлом, маънан етук шахс бўлиб вояга етишларини таъминлаш мақсадида Сергели туманидаги 598-мактабгача таълим муассасасида "Шунқорлар" ҳарбий спорт мусобақасининг финал босқичи ўтказилди.

Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти ташкилотининг "Сергели Ўқув СТК" унитар корхонаси томонидан ўтган йили ташкил этилган "Жасорат" ватанпарварлик тўғрисидаги аъзоларида. "Қалдирғоч" ва "Истиклол" жамоалари 7 та шарт, хусусан, таништирув, саф тайёргарлиги, бадиий чиқиш, биринчи ёрдам кўрсатиш, сардорлар беллашуви, расмлар танловлари ҳамда гимнастрада бўйича эгаллаган билимларини ҳакамлар ҳайъати ҳукмига ҳавола этишди. Тадбир якунида мусобақа иштирокчиларига мутасаддиқларнинг совринлари, эсдалик совгалари тўхфа этилди.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

ҲАВАСКОР ШАХМАТЧИЛАР ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

Миробод туманидаги 31-умумтаълим мактабида ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, уларни спортнинг шахмат турига кенг жалб қилиш мақсадида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Миробод тумани Кенгаши томонидан "Камолот" шахмат тахтаси республика турнирига бағишланган тадбир ташкил этилди.

Мазкур турнирни ўтказишдан асосий мақсад ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишга қўмаклашиш, ёшлар ўртасида спортнинг шахмат турини янада кенгроқ тарғиб қилиш ва оммалаштириш, ҳаваскор ёш шахматчиларни рағбатлантириш, ёшларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, маҳалларда истиқомат қилувчи ёшлар ўртасида ўзаро маданий-спорт алоқаларини йўлга қўйишдан иборат.

— Мамлакатимизда спортни оммалаштириш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш борасида амалга оширилаётган ислохотлар негизда халқимиз, айниқса, ёшларимизнинг саломатлигини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, "Фарзандлари соғлом юрт — қудратли бўлур, қудратли элнинг фарзандлари соғлом бўлур" деган эзгу ғоя муҳасамдир, — дейди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Миробод тумани Кенгашининг бош мутохассиси, "Камалак" болалар ташкилоти раиси Жамшид Гафуров. Худудларда бунёд этилаётган спорт мажмуалари, ёшлар марказлари ҳар томон-

лама баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қилмоқда. Ёшларни жисмонан ва маънан соғлом, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган шахслар сифатида тарбиялаш учун мамлакатимизда яратилаётган кенг имкониятлар ва шароитлар, уларнинг эзгу интилишларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратилаётган эътиборнинг ёрқин тасдиғидир. Бугун "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати "Ҳеч ким спорт ҳаётидан четда қолмаслиги лозим" шioriдан келиб чиқиб, таълим муассасаларининг ўқувчилари ва талабалари, корхона ва ташкилотларнинг ёш ходимлари ўртасида спорт мусобақалари, шунингдек, ёшларнинг таниқил спортчилар билан учрашувларини ташкил этиб келмоқда.

Зиёда РАСУЛОВА

"101"

ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ҚОИДАЛАРИГА АМАЛ ҚИЛИНГ

Дунёда ҳар бир инсон орзу-умид билан яшайди. Кўпчилик ҳалол меҳнат қилиб, йиллар давомида топган маблағи ҳисобига яхши ниятда бино ёки уй қуришни бошлайди. Аммо фуқароларнинг оддий ёнгин хавфсизлиги қондаларига бефарқ қараганлиги сабабли машаққатли меҳнат эвазига қурилган уй-жой ёки мол-мулк бир неча дақиқалар ичида кулга айланади.

Тошкент Метрополитенини кўриқлаш бўйича ИИБ ёнгин хавфсизлиги бўлими ходимлари сизларнинг иш жойингизда ва шахсий хонадонларингизда қишки иситиш мавсуми даврида қуйидаги ёнгин хавфсизлиги қондаларига амал қилишингизни сўрайди.

ни ёнқитиш ҳолати қаровсиз қолдирманг; • Кўп қаватли уйлар кўчаларини, ўтиш йўллари бетон ва темир қозқилар билан тўсиб қўймасликка эътибор қаратинг; Агар доимо ҳушёр бўлиб, ёнгин хавфсизлиги қондаларига амал қилсангиз ўзингиз, оилангизни ва мол-мулкнингизни ҳимоя қилган бўласиз.

Тадбирлар

ОҒОҲЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги "Маънавият ва маърифат" марказида "Одам савдоси, диний экстремизм, ёшлар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш" мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

Олмазор тумани, "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси ҳокимликлари, "Камолот" ЁИХ шаҳарча Етакчилар Кенгаши, шаҳарча ИИБ ҳамда Олмазор тумани прокуратураси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси ҳудудида жойлашган олий ва ўрта-махсус таълим муассасалари раҳбар ходимлари ва олий таълим муассасаларининг "Камолот" ЁИХ бошланғич ташкилот етакчилари қатнашди.

Одам савдоси ва диний экстремизм инсон, унинг шаъни, қадр-қиммати, оёсийишта турмуши ҳамда келажағига таҳдид солаётган жиноятчилик кўринишларидан бири бўлиб, ўзининг чегара танламаслиги, гирдобига асосан ёшларни ва аёлларни тортаётганлиги билан барчада катта ташвиш ва хавотир уйғотмоқда. Бу муаммоларга қарши курашиш аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида ушбу иллатнинг хавфи ва оқибатлари ҳақида тушунириш ишларини олиб бориш, фуқароларни мавжуд вазиятдан огоҳ этиш давр талаби. Шу сабабли доимо сергак ва ҳушёр бўлиш, энг асосийси бефарқ бўлмаслик муҳим.

Тадбир давомида "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси ИИБ бошлиғи подполковник Ш.Мирзахонов сўзга чиқиб, шаҳарча ҳудудида жамоат тартибини сақлаш, ички тартиб қондаларига жиддий ҳолда риоя этилиши ҳақида фикр билдирди.

Зарина РУСТАМОВА

Кўргазмалар

БЕТАКРОР САНЪАТ ДУРДОНАЛАРИ

Ўзбекистон Бадий академияси Иқую Хираяма халқаро маданият қарвон саройида Ўзбекистон халқ рассоми Медаг Каргаров ва таниқил рассом Дамир Ҳазраевнинг "Бетакрор санъат дурдоналари" деб номланган хотира кўргазмаси очилди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида барча соҳалар қаторида, мусавирларнинг ўз соҳаларида фаолият олиб боришлари учун зарур шарт-шароитлар яратилиб, эркин ижод қилишлари ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб келинмоқда. Бу эса рассомларнинг самарали меҳнатларида муҳим аҳамият касб этади.

Ксилография, яъни ёгочга ўйма нақш солиш, нафис ва бежирим асарлар яратиш юксак истеъод ва катта маҳорат талаб қилади. Медаг Каргаров мазкур йўналишда самарали ижод қилиб келаётган асл усталардан ҳисобланади. Унинг асарлари ҳаётийликни ўзида муржақсманлаштирган.

Рассом, китоб графикасида насл ва назми расмлар билан беазаган, муқова ва лавҳалар яратган, энг асосийси муаллифнинг ифодасидан нима демокчи эканигини топишга ҳаракат қила олган истеъод эгаси.

Мусавирнинг шарқ мумтоз адабиёти намояндаларининг шеърӣ тўпламларига ишлаган беақалари ҳам ўзига хос мазмун-моҳиятга эга. Унинг асарлари Италия, Россия, Германия, Буюк Британия, Франция, Испания, Голландия, АКШ, Япония каби жуда кўплаб музейлар ҳамда шахсий коллекциялардан ўрин олган.

Рассом ўз ҳаёти давомида қизгин ижод қилиб халқ кўнглидан муносиб жой эгаллаган, унинг асарлари ҳам ўзи каби ҳаммаша барҳаётдир.

Дамир Ҳазраев ҳам ўйма нақш санъати соҳасида фаолият юритган ижодкор усталардан биридир. У Халқаро ЮНЕСКО рассомлар федерацияси аъзоси, "Дунё халқлари санъати" уюшмасининг хизмат қурсатган рассоми ҳисобланади.

У шоира Зулфиянинг "Томчи" деб номланган шеърӣ тўпламига миниатюралар ишлаган. Асарлари эса нафақат республикамиз балки Россия, Чехия, Польша каби чет давлатларда музей ва галерейларда сақланмоқда.

Мусавир нафақат рангтаъвир, графика, балки санъатнинг бетакрор ва ноёб турларидан бўлган ксилография билан ҳам жиддий шуғулланган. Унинг юзга яқин ксилография асарлари пойтахтимиздаги музейлар фондида сақланмоқда.

Ҳар бир асар, ўзга бир дунё. Марҳум рассомларимиз хотирасига бағишлаб очилган ушбу кўргазма эса уларнинг нури ҳаётига, пок хотирасига яна бир ёрқин назар. Зеро, бу асарлар унинг-ўсиб келаётган ёш авлод қалбидан энг эзгу хислатларнинг шаклланишига, тасвирий санъатни севишига хизмат қилади.

Гулчехра ДУРДИЕВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"KOSHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдоси АТБ "Туронбанк"нинг 2016 йил 25 январдаги 04/01-179-сонли бюортманомасига асосан, Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Ҳўжакеит ҚФБ, Қоранкул қишлоғида жойлашган умумий майдони 0,87 га, фойдаланма майдони (қурилиш майдони) 2893,87 кв.мдан иборат "Дам олиш маскани" қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 10 741 804 340 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 29 февраль куни соат 15:00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш қилари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (соат 13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати — 2016 йил 26 февраль куни соат 18:00.

Кўчмас мулк 2016 йил 29 февраль куни сотилмаган тақдирда, тақририй савдолари 2016 йилнинг 16 март ва 1 апрель кунлари соат 15:00 да бўлиб ўтади. Тақририй савдолар учун аризалар қабул қилишнинг охири мuddати: 2016 йилнинг 16 мартдаги савдо учун 14 март куни, 2016 йил 1 апрелдаги савдо учун 30 март куни соат 18:00.

Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади: — юридик шахслар учун давлат тўғрисидаги ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси;

— жисмоний шахслар учун паспортнинг нусхаси, аукционда вакил қатнашган тақдирда расмийлаштирилган ишончнома, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси.

Савдо ғолибига 20 (йигирма) банк иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулк учун тўловлар амалга ошириш мuddати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Очик аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлар томонидан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "КМСХ" МЧЖнинг "Ипак йўли банки" АИТБ Сағбон ф-даги 20208000904920609114, МФО:01036, ИИН: 207122519 x/prg савдода иштирок этиш учун ариза топширунга қадар тўлашлари шарт.

Аукцион ўтказиладиган ва қўшимча маълумотлар олиш учун манзил: Тошкент шаҳри, Кўшмин тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: (0371) 228-80-23. Факс: (0371) 228-80-24. www.1kts.uz. Лицензия: RR-0001. Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ. Тошкент шаҳрида 27 январь куни ҳаво ўзароб турди, ёмғир ёғиб, кечага томон қорға айлангани хабар қилади.

Ўзгидрометнинг маълумотига кўра, 27 январь ва 28 январь эрталаб Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифшолашни даражаси паст бўлади.